КУННОМА

ЭНГ ЯХШИ МАҲАЛЛА

НУКУС. Қорақалпоғистон шаҳар ва туманларида "Маҳалла", "Экосан" жамғармалари ҳамда республика Халқ таълими вазирлиги биргаликда озодалик ва ободонлаштириш ойлиги ўтказишга аҳд қилишди. Ўзига хос танловда энг яхши, деб топилган маҳалла аҳлига беш минг сўм, саранжом-саришта ҳовли соҳибига 3 минг сўм пул мукофотлари бериладиган бўлди.

Рейимбой **ЕШИМБЕТОВ.**

"КАМОЛОТ"ГА ХОС ТАДБИР

ТОШКЕНТ. "Камолот" жамғармаси Собир Раҳимов туман бўлими хайрли ишларга қўл урмоқда. Давра суҳбатлари уюштирилиб, уларга Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вакиллари таклиф қилинмоқда.

— 23-мактабда эса футбол синфини оталиққа олдик, — дейди "Камолот" жамғармаси раиси ўринбосари Муҳаммаджон Умаров.

Абдумалик ХАЙДАРОВ.

воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЯПОН МУТАХАССИСЛАРИ ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА

САМАРҚАНД. Қадимий шаҳарда жаҳон андозаларига мос тайёрагоҳ қуриладиган бўлди. Бундай ўзига хос шаҳар дарвозасининг Самарқандда барпо этилиши бежиз эмас. Мақсад номи жаҳонга машҳур шаҳарга келишни, унинг сайқалига маҳлиё бўлишни орзу қилганларга шароит яратиш, умуман мустақил юртимизнинг халқаро алоқаларини янада яхшилашдир. Тайёрагоҳ қурилишида япон мутахассислари қаторида самарқандликлар ҳам иштирок этишади.

Лутфулла **МАМАСОЛИЕВ.**

МАХСАР ЁҒИ КЎПАЯДИ

СИРДАРЁ. Вилоят ҳокимининг қарори билан Ховос тумани хўжаликларида 2000 гектар майдонга махсар экиладиган бўлди. Шифобахш бу ўсимликдан истеъмол ёғи ва озуқа олинади. Унутилаётган экинни экиш билан бирга ундан ёғ ишлаб чиқарадиган фирмаларни кўпайтириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

КУННОМА

ХАЙРИЯ САВОБГА САРФЛАНАДИ

УРГАНЧ. Вилоятда Муборак рамазон кунлари одамлардан йиғилган фитр садақаларни хайрли ишларга сарфлаш мўлжалланди. Тўпланган 70 миллион сўмлик маблағ 400 дан ортиқ қабристонни ободонлаштириш учун ишлатилади. Вилоят ҳокимлиги бундай тадбирни рўёбга чиқаришда моддий ва маънавий ёрдам беришга тайёр.

Рўзимбой ҲАСАН.

ҒОЛИБЛАР "АНТЕКС"ДА ИШЛАЙДИ

АНДИЖОН. Шаҳрихон яқинидаги Сегазакум қишлоғида "Антекс" ҳиссадорлик жамиятига қарашли тўқимачилик мажмуининг бош корхонаси ҳамда Булоқбошидаги тикувчилик фабрикасига замонавий тўқимачилик дастгоҳлари ва тикув машиналари ўрнатиб бўлинди. Муҳандис-техник ходимларни ишга таклиф қилиш учун танлов эълон қилинган. Шаҳрихон, Олтинкўл, Асака, Булоқбоши туманларида яшовчи кишилар танловда қатнашиб, ишли бўлишга ҳаракат қиладилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 20 февраль, пайшанба № 22 (22.107).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЗАРДЎЗЛАР СОВҒАСИ

***БУХОРО.** «Совға» зардўзлик маркази чеварлари қадимий шаҳарнинг 25 асрлик тўйига муносиб совға тайёрлашмоқда. М. Жумаева, Ф. Жумаева, М. Барокатова, М. Назруллаева, Н. Наимова каби зардўзлар «Бухоро» деб номланган рангин ипак лавҳани тайёрлашмоқда. Зарқатламларида минораи Калон, Жомье масжиди, Чор минор, Арк сингари обидалар ўз ифодасини топади.*

Ўз мухбиримиздан.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***АҚШ Мудофаа вазирлиги вакили Кеннет Бейкон мамлакат ҳарбий самолётсозлари учувчисиз бошқариладиган «кузатувчи-самолёт» компанияси маҳсулоти бўлиб, у февраль ойида синовдан ўтказилади. «Глобал хок» деб номланган мазкур самолёт 22 чақирим баландликка кўтарила олади ва 42 соат давомида 14 минг масофани тўхтовсиз учиб ўтиши мумкин.***

* * *

☑ ***Европа иттифоқи комиссияси вакили Жак Делор Европа маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун халқаро Эразм мукофотига сазовор бўлди. Эразм Роттердамский номи билан аталувчи мазкур мукофот ҳар йили фан, маданият ва ижтимоий соҳалар ривожига улуш қўшган шахсларга берилади.***

Ўтган йили Чехия Президенти Вацлав Гавел, нацистлар жиноятини фош этган машҳур терговчи Симон Визентал, италиялик меъмор Ренцол Пьяно ва Швейцариянинг «Нойе Цюрих цайтунг» газетаси мазкур мукофотга сазовор бўлган эди.

***

☑ ***Японияниг «Эм-эн-эс» компанияси савдо соҳасида янгилик яратди. Токио марказида кечаю-кундуз сотувчисиз ишлайдиган дўкон очди. Дўконда барча жараён компьютерлаштирилган бўлиб, харидор пештахтада турган молнинг тартиб рақамини компьютерда теради ва экранда кўрсатилган миқдорда пул тўлайди. Махсус лента эса харидорга керакли молни етказиб беради. Бу дўконнинг бошқаларидан яна бир фарқи шундаки, харидор фақат 7 турдаги зарур маҳсулотнинг ҳар биридан 9 донадан олиши мумкин, холос. Чунки, дўкон омборхонасидаги моллар чекланган.***

***

☑ ***Улкан «Фиат» империясининг вориси бўлмиш Жованни Алберто Аннелли америкалик малла соч Эвери Френсис Хоувга уйланди. Тўй куёвнинг бувисига тегишли бўлган қадимий Тоскания қасрида бўлиб ўтди. Тўйга бор-йўғи 30 киши таклиф этилди, улар яқин қариндошлар ва келин-куёвнинг дўстларидир.***

Италия матбуоти бу тўйга нечоғлик қизиқмасин, унга бирорта ҳам журналист киритилмади. Шунинг учун газеталар келин-куёвнинг аввал олинган суратлари билан чекланди. Тўйга энг ҳурматли меҳмон сифатида «Фиат» президенти, яъни куёвнинг тоғаси Жанни Аннели ўзининг шахсий вертолётида ташриф буюрди.

Тоға, жияни ва келини учун XVIII асрда ишланган нодир чинни буюмлар ва Леонардо да Винчининг машҳур «Кодекса» деб номланган асари асл нусхасини совға қилди. Тоғанинг бу «камтарона» совғаси бор-йўғи 50 минг доллар тураркан, холос.

ЛИТВА РАҲБАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

19 февраль куни Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускас расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент аэропортида Литва раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар олий мартабали меҳмонга анвойи гуллар ҳадя этди.

Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

Меҳнат ва гўзаллик дунёни безайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА 1997 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фуқаролари манфаатларини таъминлаш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни барпо этиш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, демократик ва маънавий қадриятларни ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларнинг ижтиомий йўналишини кучайтириш, кишиларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, ҳудудий органлар ва республика жамоат ташкилотлари томонидан тайёрланган «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури» қабул қилинсин.

2. Тадбирлар дастури ижро этиш учун

ҳокимият ва бошқарувнинг тегишли давлат, нодавлат ва ҳудудий тузилмаларига юборилсин.

Бу тузилмаларга тадбирлар дастурида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича муайян тармоқ ва ҳудудларга доир зарур тадбирларни ишлаб чиқиб, қабул қилиш вазифаси юклансин. Бу уринда гап ҳар бир шаҳар, қишлоқ, ҳар бир кишининг манфаатини таъминлаш хусусида бориши лозимлиги инобатга олинсин.

3. Матбуот Давлат қўмитаси, Узтелерадио, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари қабул қилинган дастурда кўзда тутилган, жамиятимизни демократлаштириш, кишиларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш борасидаги тадбирларнинг тутган урни ва аҳамиятини кенг тушунтиришни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари кўрсатилган тадбирларнинг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича бажарилиши ҳақидаги ахборотни йиғиш ва умумлаштиришни йўлга қўйган ҳолда, қабул қилинган дастурнинг муайян бандлари бажарилишини йилнинг ҳар чорагида назорат этилишини таъминласин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ҳар чорак якунлари бўйича манфаатдор орган ва тузилмалар иштирокида дастур бажарилишининг бориши кўриб чиқилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 февраль.

Ўтмишдан садо

СОҲИБҚИРОНГА ДАХЛДОР МАҚБАРА

Қадимий Самарқандда «Зоминий» маҳалласи бўлган. Ҳозир шу маҳалла ҳудудида «Ёздаҳ имом» мақбараси бор. Пештоқига «XVII — XVIII асрлар ёдгорлиги» деб ёзиб қўйилган. Зеро, бу рақамлар нисбий экани, мақбаранинг эса кўҳна тарихга дахлдорлиги аниқланди.

Мақбарадаги 12 та қабр тоши остига дафн этилганларнинг шахси аниқланмоқда.

Олимлар тошлардаги: «Иброҳим ал-Масрий Носири, абу Бакр ал-Бакри ал Самарқандий Қоғазий. Таваффи филал жоду ашра мин робъеул аввал сана сабъа ва сабъина ҳамсамоада» (яъни, 577 ҳижрий йилнинг 10 раббиюл аввалида — 1181 йилнинг 25 июлида вафот этган) деган битикни ўқишга муваффақ бўлдилар. Мақбарага забардаст 40 нафардан зиёд фиқҳ илмининг олимлари дафн этилган. Уларнинг қабрлари устидаги тошлар асосан Султон Соҳибқирон Амир Темур ҳамда Темурийлар томонидан қўйилган, деган хулосага келиняпти.

Яқинда бу қутлуғ қадамжо қайта таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилиши муносабати билан ўзига хос маросим ўтказилди.

М. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Бу — ҳазил эмас

ЁКИ НЕГА БИР СЎМЛИК ПУЛЛАР КЎРИНМАЙ ҚОЛДИ?

Яна шу ҳол такрорланди. Қўлидаги бир даста пул ва ора-сира «йўл ҳақини тўлашни унутманглар» деган даъват сўзларидан назоратчи-кондуктор эканлигини билдириб турган йигитга 10 сўмлик узатдим. У патта ва 3 сўмлик тутқазиб йўлида давом этди: «йўл ҳақини тўлашни унутманглар...» Учинчими, тўртинчими марта ёнимиздан ўтаётганда бир қария йигитни тўхтатди.

— Кечирасан, болам, йўл ҳақи ошдими? Йигит унга ажабланиб қаради.

— Йўқ, нимайди?

— Боядан бери кузатиб келаман, — деди чол салмоқланиб. — Ками билан йигирма кишига қайтимини тўлиқ бермадинг. Шунга қизиқиб сўрадим-да, бўлмаса, менга нима...

Йигит қизариб-бўзариб, тили калимага келмай, ғулдираб қолди. Сўнг қўлидаги пулларни қариянинг бурни тагига олиб келиб, силтади:

— Мана, кўринг, бу пулларнинг ичида бирорта бир сўмлик борми? Бўлса, нима мен бермасмидим?

— Ота, қўйинг, йигитни уялтирманг, бир сўм қаерларда қолиб кетмайди.

Аёлни бошқалар ҳам қувватлашди.

— Бир сўмга ҳозир нимаям берарди, асабингларни бузишга арзимайди, бўлди қила қолинглар...

Кондуктор шуни кутиб тургандек, салон олдига қараб юриб кетди: «йўл ҳақи тўлашни унутманглар».

Беихтиёр ўйланиб қолдим. Дарҳақиқат, бир сўмлик пуллар қаёққа ғойиб бўлаётир? Муомалада энг кўп ишлатиладиган пул, шу бир сўмлик эмасми, ахир? Бозорда-ку, амаллаб келишиш мумкин: энг арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — сабзи, пиёздан иккитами-учтами халтангизга солиб, сотувчига «розимисиз?» десангиз бас, муаммога ўрин қолмайди. Аммо дўконда, айниқса, транспортда...

Бир вақтлар ҳали бола эканлигимда олди-сотди билан шуғулланадиган бир қариндошимиздан эшитган сўзлар ёдимга тушади:

— Пулнинг энг каттаси неча пуллигини биласанми, — деганди ўшанда раҳматли. — Йўқ, янглишдинг 100 сўмлик эмас, 1 тийинлик. Сўмлар тийинлардан пайдо бўлишини ҳечам унутма. Пулнинг энг каттаси — 1 тийин.

Тўғри, биз ҳозир давр тақозоси билан тийинлар тўғрисида ўйламай қўйдик. Лекин нега муомалада бир сўмликлар тобора анқонинг уруғига айланиб бораётгани қизиқ. Онда-сонда қўлимизга тушиб қоладигани ҳам ё йиртилган, ё уқаланиш даражасида.

Борингки, бир сўмлаб йиғиб, кондуктор бойиб, бошқалар камбағал бўлиб қолмас. Бирдан шу кетишда бир сўмликлар ҳам тангалар каби муомаладан умуман чиқиб кетса-я... Пулнинг қадри, деган тушунчалар бор-ку ахир! Эртага уч сўмлик, беш сўмликлар ҳам шу ҳолга тушса-чи?!

Дунёда қанча мамлакат бўлса, шунча пул бирлиги бор. Доллар, марка, франк, иен, лира, сўм... Биз ўз сўмларимизга осонлик билан эришмаганмиз. Муносабат ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Ҳурмат эҳтиром ҳам.

Зайниддин РИҲСИЕВ.

ХАЛҚҚА ҲАЛОЛ ХИЗМАТ ҚИЛИНГ!

Яқинда вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятларига қарашли бўлган савдо шаҳобчалари фаолияти ўрганилганда уларнинг аксариятида кўп турдаги кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари ва уй-рўзғор молларининг йўқлиги аниқланди. Айниқса Бешариқ, Бағдод, Тошлоқ, Олтиариқ ва Фарғона туманлари савдо шаҳобчалари томонидан аҳолига кундалик эҳтиёж моллари етказиб беришда узилишларга йўл қўйилмоқда. Бу эса харидорларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Савдо тизимида ҳисоботлар юзаки ўтказилаётганлиги, уларда тартиб-интизомнинг бўшлиги, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, фақат ўз фойдасини ўйлаб иш юритаётганлиги, савдо шаҳобчаларида хусусийлаштиришда шошма-шошарликка йўл қўйилаётганлиги ана шу тизимдаги қолоқликнинг асосий сабаби ҳисобланади. Халққа ҳалол хизмат қилиш ўрнига харидорни алдаш, унинг ҳақига хиёнат қилиш, кўзбўямачилик каби иллатлар кўплаб учрамоқда. Уларга чек қўйиш вақти келди!

Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатданташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоят савдо тизимларидаги ишга ана шундай баҳо берилди. Бу бежиз эмас. Дарҳақиқат, савдодаги камчиликлар, халққа хизмат кўрсатишни яхшилаш, дўконларни зарур эҳтиёж моллари билан тўлдириш ўрнига кераксиз, лекин тез кетадиган, тез бузиладиган чет эл моллари билан пештахталарни тўлдириш одатий ҳолга айланиб қолди.

Марғилонликлар асосан «Ковак қайраҳоч» хусусий дўконига кирадилар. Пештахталарда ажабтовур ялтироқ қоғозларга бурканган сникерс-марслару оқ сақичнинг барча турлари, спиртли ичимликнинг антиқа, узун-калта шишалардагиси тўлиб ётибди.

— Шакар борми? — сўрадим сотувчидан. — У индамай бош чайқади.

— Хўжалик совуни борми?

— Йўқ. — Ун, ўсимлик ёғи ҳам йўқ.

Хўш, маҳалла аҳли бу зарур эҳтиёжлар учун бозорга қатнаши керакми? Ҳолбуки, Камол Мадалимов мудирлик қилаётган бу дўконда ўтган йили ҳам кундалик эҳтиёж моллари сотувда йўқлиги, пештахтадаги маҳсулотларга нарх ёрлиқлари қўйилмаганлиги аниқланган, мудир огоҳлантирилган эди! Бироқ, қайта текширишда дўконда яна ўша манзара...

Қўқон шаҳридаги «Баҳром» хусусий фирмасида текшириш ўтказилганда антиқа аҳвол намоён бўлди. Дўкондаги пакетларга қадоқланган унлар назорат тартибида ўлчаб кўрилганда 93 та пакетнинг ҳар бирига 50 граммдан ун кам солинган аниқ бўлди. Қарангки, «ишбилармон» сотувчилар шу тариқа харидорлар ҳақидан 93 сўм уриб қолишга ҳаракат қилишган экан. Ундан уриб қолиб, бола-чақа боқаман, дейиш ноинсофлик-ку!

Аччиқ, аммо очиқ гап

Учқўприк туманидаги Деҳқонбоев номли матлубот-савдо ҳиссадорлик жамиятининг 29-савдо дўкони мудири Б. Ражабов дўконга келтирилган ун-макарон, чойни аҳолига сотиш ўрнига ўзи ишлатиб юборган.

Хўш, аҳолига етиб келмаётган озиқ-овқат маҳсулотлари қаёққа гумдон бўляпти? Қўқон шаҳар прокуратураси ходимлари шу шаҳар фуқароси К. Холмуҳамедовнинг хонадонида 450 кг. арпа ёғи яширилиб қўйилганлигини аниқлашди. Ҳозирда салкам ярим тонна ёғнинг Холмуҳамедов уйига қаердан келиб қолгани билан тегишли идоралар шуғулланишяпти. Пештахталарда кам кўриниб қолган пахта ёғи сингари маҳсулотлар ҳам ана шунақанги тарзда «йўқолиб» қолмаяпти, деб ким кафолат беради?!

Савдо тизимидаги камчиликлар вилоятга ёйиляпти. Умумий назорат тартибидаги текширишлар давомида вилоят прокуратураси харидор ёки буюртмачини алдаш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган қонун талабларининг бузилганлиги юзасидан 88 та жиноят иши қўзғатди. Айбдорлар суд томонидан тегишли тартибда жазога тортилдилар.

Савдо дўконларида фуқароларга хизмат кўрсатишнинг аҳволини яхшилаш юзасидан кўп иш қилиш керак, энг муҳими — савдогар ўз виждони олдида пок бўлсин. Юртдошларига ҳалол хизмат кўрсатсин. Халқнинг талаби ҳам шу!

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛСА, БИЗ ҲАМ БОЙМИЗ»

— дейди Тўрткўл туманидаги «Тўрткўлтехника» ҳиссадорлик жамияти раиси Неъмат Ҳасанов

Давлат корхоналари хусусийлаштирилди, ҳиссадорлик уюшмаларига айлантирилди. Бунинг самарасини кўряпмиз ҳам. Аммо, баъзан, «ўтириб қолган», банкротга учраган корхоналарни ҳам эшитиб қоламиз. Шунда бундай корхоналарни хусусий корхоналар билан таққослайман: нима учун деярли нолдан бошлаган тадбиркор бойиб кетадию, тап-тайёр давлат мулкини имтиёзли равишда ўзлаштирган, яхшигина пойдеворга — техника базаси ва мутахассисларга эга бўлган корхона барбод бўлади? Кўп нарса корхона раҳбарига боғлиқмикан, деб ўйлайсан...

Ислоҳот ва масъулият

— Энг аввало ўзинг раҳбарлик қилаётган жамоанинг ҳар бир аъзосида эгалик туйғуларини шакллантира олишинг керак. Бунга қуруқ сўз билан эришиб бўлмайди. Ишчи иқтисодий манфаатдорлик орқалигина бунга чин маънода тушуниб етади.

Масалан, бизнинг тизимимизда режа асосида эҳтиёт қисмлар етказиб бериш тўхташи кўрсаткичларимизга, ишлаб чиқариш оборотига таъсир қилиши табиий ҳол эди. Эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқариш, қайта тиклашга зўр бердик. Машина-трактор парклари ни ташкил қилиш ҳақида республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққанида, бу борада бизда тажриба бор эди. 1994 йил уюшмаларга, фермерларга хизмат кўрсатувчи техника-механизм сервисини ташкил қилдик.

— Аввал қишлоқ хўжалиги учун туманда ягона бўлган техника таъминоти корхонаси машина-механизмлар, эҳтиёт қисмлар етказиб берарди. Энди исталган фирма бу молларни олиб келиб сотиши мумкин. Истаган киши Россияга ёки бошқа давлатга бир машина қовун ёки консерва маҳсулотлари олиб бориб сотади. Эвазига арзон нархда эҳтиёт қисмлар олиб келади. Демак, рақобатчиларингиз кўп?..

— Ана шу рақобат имконият излашга мажбур қилади-да! Мижозларни ўзингга оғдириб олиш, арзонроқ мол топишга интиласан.

Эҳтиёт қисмларни қайта тиклаб берганимиз туфайли уюшмалар юз минглаб сўмларини иқтисод қилишди.

Бундоқ ўйлаб кўрсак, миллионларни оёқ остига ташлаб қўйганимиз аён бўлади. Корхонамиз қошида жунни қайта ишлаш цехи фаолият кўрсатяпти. Бу — цех Қорақалпоғистонда ягона. Бир тонна жун қайта ишланганда, ўттиз фоиз чиқит чиқаркан. Аввал буни чиқит дердик. Ҳозир бу чиқитдан иситгич кигизлар тайёрлаяпмиз.

— Молни сотаётганда завод сизга қандай шартлар қўйган бўлса, харидорларингиз — уюшмаларга ҳам шу шартларни қўйгансиз. Мен олинган мол эвазига пулни тўлаш муддатини назарда тутяпман. Бу фоизлар оғир юк бўлиб беайб айбдор — ижарачининг, деҳқоннинг бўйнига тушаверадими? Сизга алоқадор бўлмаган саволни бермадимми ишқилиб?

— Нега алоқадор бўлмас экан? Қачон деҳқон бойиса, биз бойиймиз. У ёқ — бу ёғини ўйламай, насияга мол олишни истайдиган уюшма раҳбарига қарзларни, фоизларни эслатаман. Ҳисобингизда пул борми, деб сурайман. Кўпинча ўзаро фойдали имкониятлар таклиф қиламан.

Уюшмалар биздан салкам 48 миллион сум қарз бўлгани ҳолда 7 миллион сўмга яқин солиқни тўлай олмаяпмиз. Айрим хўжаликларни судга беришга мажбур бўлдик. Аммо уюшмалар ҳисобида пул йўқ. Бу фактни нима учун келтиряпман? Бугун қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмай туриб, ҳар бир деҳқондагина эмас, ҳар бир механизаторда ҳам эгалик туйғусини ривожлантирмай туриб, яхши натижаларга эришиш қийин. Масалан, битта техникани ун йилдан буён таъмирсиз бошқараётган тракторчи ҳам ёки бир йилда бир неча марта таъмирлатадиган тракторчи ҳам бор. Тумандаги Шурахон, Е. Эломонов номли уюшмаларда техникани узоқ муддат таъмирсиз бошқараётган механизаторлар рағбатлантириляпти.

Бозор илмини ишчилар қай даражада ўрганганини билиш мақсадида цехларни айландим. «Корхона ҳисобида маблағ бўлса — менинг чўнтагимда ҳам пул бўлади»,— деди дастгоҳ ёнидаги ишчи. Ҳиссадорлик жамиятининг моҳияти ҳақида соддагина формула шундай эмасми?

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОНУННИ БИЛСАНГИЗ – ЙЎЛИНГИЗ ОЧИҚ

Демократик қонунлар демократик давлатнинг таянчи, фуқаролар ижтимоий эркинлигининг кафолати, инсон ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминловчи механизм ҳисобланади. Эркинликлар, шубҳасиз, қонунлар доирасида бўлсагина мантиқ касб этади. Қонунлар ҳуқуқ бериш билан бирга масъулият ҳам юклайди.

Таҳририятимизда бўлиб ўтган «Ноширлик фаолияти тўғрисида» ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунларни ўрганишга бағишланган йиғилишда шундай мулоҳазалар билдирилди. Ушбу Қонунларнинг афзал жиҳатлари таъкидланди.

Йиғинда, шунингдек, умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар, фикрлар айтилди. Мазкур қонунлар лойиҳалари ҳамкасбларимизнинг иш фаолиятига бевосита дахлдорлиги учун ёш журналистлар ҳам, шу йўлда сочига оқ тушган тажрибали касбдошларимиз ҳам асосли, мантиқли мунозарадан четда қолишмади. Қабул қилинажак мазкур икки қонун журналистлар фаолиятини мувофиқлаштириб туриши билан аҳамиятли, қонунларнинг мукаммал бўлиши шу қонунларнинг ҳам, журналистларнинг ҳам тўғри ишлашини таъминлайди, ўз ҳуқуқ-бурчларини яхши англаган журналист эркин фаолият кўрсатади, деган мулоҳаза илгари сурилди.

Юқорида қайд этилган Қонунларни ўрганиш ҳамда қонунлар лойиҳалари муҳокамасига бағишланган таҳририят йиғилишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши мафқуравий ишлар бўлими мудири Собир Қурбонов иштирок этиб, ушбу Қонунлар журналистлар фаолиятида ҳуқуқий асос бўлиши билан аҳамиятли экани ҳақида гапирди.

С. АШУРОВ.

ЖАРҚОҚДА ЖОНКУЯР БОРМИ?

Луқма

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан сўнг вилоятда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш йўлида дадил қадам ташланяпти. Бухоро ва туманлар узига хос яшармоқда. Таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий силжишлар бор. Бироқ буни ҳамма туманларда ҳам кузатиш қийин. Нега?

Бир неча йиллар бурун Қоровулбозор туманида учта йирик қўрғон барпо этилиб, чўлқуварларга берилганди. Уйлар бир ва икки қаватли бўлиб, ёрдамчи хўжалик биноларига эга ва газлаштирилган. Мактаб, боғча дегандек. Ҳозир эса учала қўрғон ҳам чирою файзини йўқотган. Сабаб, чўлқуварлар хоҳлаган ерларига молхона, сомонхона, ахлатхона қураверишган.

Яқинда Жарқоқ қўрғонида бўлдик. Бу ерда мингга яқин аҳоли яшайди. Улар Абдуҳолиқ Ғиждувоний номли, «Гулистон», «Мустақиллик» жамоа хўжаликларида меҳнат қилишади. Шароитга ҳавасингиз келади. Аммо қўрғон ораласангиз ҳафсалангиз пир бўлади. Шинам қурилган уйлар олдидаги хиёбон, болалар майдончаларига ғўзапоя, хашак осмонўпар қилиб уюлган. Қорамол ва қўй-эчки қутонларининг саноғи йўқ. Унлаб чопиқ тракторлари қаровсиз ётибди. Эҳтиёт қисмлар бозорни эслатади. Йўллар зовурсимон. Чироқсиз тунлар зимистон. Ҳафсалангизга балли-е!

— Аҳоли ҳар ердан кўчиб келган, — дейди А. Ғиждувоний номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Отамурод Қурбонов. — Уч хўжалик аъзоси аралаш яшайди. Бу, назоратни қийинлаштиради. Лекин ҳаммасини таниймиз.

Раис шундай фикрда бўлса, бошқадан нимани кутасиз? Ахир, экилган ниҳолларни қуй-эчки чайнаса, ёзда сув бўлмаса, ўнқир-чўнқир йўлларда тиззагача лой-чанг. Бунга ким жавоб беради? Қишлоқ фуқаролар йиғини раисларими ё ҳокимликми? Уларнинг кўз ўнгида экинлар пайҳон, йўл бузилса. Биздан нима қолади? Тавба, бундай қаровсизлик, бефарқлик оқибати нима билан тугаркин? Дидсизлик ҳам шунчалик бўладими? Халқимизга хос тадбиркорлик қаёқда қолди? Бунинг устига на бир клуб, на кутубхона, маданият уйи, на бир маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси бўлмаса. Жарқоқда ҳам атрофга янгича назар билан боқадиган жонкуяр борми ўзи?

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Хатлар • Хатлар • Хатлар

ИСТЕЪДОДЛАРГА ЙЎЛ ОЧАЙЛИК

Маълумки, кинотеатрларимизда беҳаёлик ва бағритошликни тарғиб қилувчи фильмлар бемаза қовуннинг уруғидай қўпайиб кетди. Худди инсон маънавиятини гуллатадиган кинолар уруғига ўт тушгандай. Баъзан бу ҳақда гапирсангиз «Оддий киноларни одамлар кўришмайди» дейишади. Бунга мен қўшилмайман. Узбекистон телевиденияси томонидан берилаётган «Домла», «Кўнгил кўчалари» сингари сериалларнинг навбатдаги қисмларини одамлар орзиқиб кутишяпти-ку!

Ёшларнинг қалби, маънавий дунёси ҳамиша таассуротга ташна. Бирорта янги ашула ёки қўшиқчи чиқса ёшлар зарур нарсага ажратган пулларини сарфлаб кассета сотиб оладилар, уни соатлаб эшиттани вақт топадилар. Айрим истеъдодлар эса саҳна тополмай туйларда, сайлларда қўшиқ айтиб, рақста тушадилар ёки роль ижро этадилар. Айниқса, Навруз, Мустақиллик байрамларида астойдил кузатсангиз, халқимиз орасида қимматбаҳо гавҳардай ноёб истеъдодлар борлигига сўзсиз амин бўласиз. Афсус бундай байрамлар ўтгач, мутасаддилар истеъдодларни яна ўз ҳолига ташлаб қўядилар.

Модомики, шундай экан, Чортоқ туманида яшайдиган санъатга астойдил ихлосманд ёшларни қидириб топилса, уларга шароитлар яратиб берилса, баҳор новдаларни бурттирганидек мустақиллик нури жамиятимизнинг шу оқсоқ соҳасини ёритиб юборишига шубҳа йўқ. Ахир юртбошимиз маънавият ва маърифатни ривожлантиришга, қолаверса, бадиий академияни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаётган бир пайтда халқимиз ҳаётига чуқурроқ мушоҳада билан назар солсак халқ театри учун сезиларли даражада эҳтиёж борлигини кўрамиз.

Агар халқ театри ташқил этишга ҳаракат қилинса, бу ишга бош қўшиши мумкин бўлган ташкилотлар туманимизда кўп. Энг асосийси кўз очган истеъдодларнинг изсиз йўқолиб кетишидан, ёшларни тарбияси бузилишидан асраган бўламиз-ку!

Боқиймирзо УМРЗОҚОВ.

Янги томоша

ЁМОНЛИК ЕНГИЛАДИ

Республикамиздаги кўҳна санъат даргоҳларидан бири Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театри ижодий жамоаси ўз мухлисларини янги томоша билан хушнуд этди. Санъат масканида шоир Азим Суюн ва ёзувчи Суҳбат Абдулланинг «Каюмарс авлодлари ёхуд эзгулик ва ёвузлик» эртак-пьесалари муваффақиятли саҳналаштирилди.

Аҳиллик, саховат, ҳалоллик, яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси ҳақидаги янги спектаклни театрнинг тажрибали режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иброҳим Нурмонов саҳналаштирган. Томоша руҳига мос саҳна қурилишлари ва безаклар театрнинг бош мусаввири Ноила Қораева чизмалари асосида яратилди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.



КЕЛАЖАГИНГ ПОРЛОҚ, БОЛАЖОН! М. АМИН олган сурат.

Партия ҳаётидан

ЯНГИ КОТИБ САЙЛАНДИ

Яқинда Узбекистон ХДП Тошкент туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан К. Ғофуров туман кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди.

Узбекистон ХДП Тошкент туман кенгашининг биринчи котиби этиб, илгари туман ҳокими муовини бўлиб ишлаган С. Аъзамов сайланди.

* * *

Узбекистон ХДП Ангрен шаҳар кенгаши пленумида ҳам ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан А. Қуканов шаҳар кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди.

Узбекистон ХДП Ангрен шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб, илгари шаҳар «Камолот» жамғармаси раиси бўлиб ишлаган Б. Йўлдошев сайланди.

Ушбу пленумлар ишида Узбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби У. Турғунов қатнашди ва сўзга чиқди.

Н. ҚАЮМОВ.

«ҲАММАМИЗГА МЕҲР-ОҚИБАТ ЙЎЛДОШ БЎЛСИН»

Янги йил арафасида эди. Кўчада бир танишимни учратиб қолдим. У шериги билан бозордан турли мева-чева ва ширинликлар харид қилиб келаётган экан.

— Болаларни хурсанд қиладиган бўлибсизлар-да, — дедим.

— Болаларни кеча хурсанд қилганман, — деди бири. — Ҳозир бир оғайнимизникига кетаяпмиз. Яқинда тўсатдан вафот этган эди. Худо раҳматлининг беш нафар норасидаси бўзлаб қолаверди. Шунинг учун дўстлар билан байрам олдидан уларни бир йўқлаб кўяйлик дедик...

Уларнинг ортидан кузатиб қоларканман, дилимдан «Илоҳим ҳаммага ҳам одамийлик, меҳр-оқибат йўлдош бўлсин» деган ўй ўтди.

Манзура ОТАҚЎЗИЕВА.

БИЗГА ЎҚИТУВЧИ КЕРАК

Тил билган — эл билади, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, ҳозирги замон тараққиёти шуни тақозо этмоқда. Дунё миқёсига чиқаман, деган одам авваламбор тил билиши керак. Шу нуқтаи назардан бизнинг аҳволимизга ёндашилса, демак, биз ўз туфонимиздан четга чиқолмас эканмиз. Бу — биринчидан. Иккинчидан эса аксарият олий ўқув юртларига кириш учун бирон-бир чет тилидан тест буйича имтиҳон топшириш лозим. Институт ёки университетлар маъмуриятларини эса мактабларда, айниқса, қишлоқ мактабларида чет тили ўқитувчиси етишмаётгани ғунчалик қизиқтирмайди. Жабрини яна ўқувчилар тортади.

Гап шундаки, бизнинг мактабимизда азалдан чет тили ўқитилмайди. Ачинарлиси, бу ҳақда ҳеч ким қайғурмайди ҳам. Натижада 1995-96 ўқув йилида 22 нафар битирувчидан атиги 2 нафаригина олий ўқув юртларига ўқишга кирди холос.

Бу муаммони ҳал этиш учун туман халқ таълими бўлимидагилар ёки бошқа мутасаддилар бирон-бир чора-тадбир кўришаётганмикин? Ё бу йил ҳам...

Муҳаббат МАМАЖОНОВА,
Чортоқ туманидаги 23-ўрта мактаб ўқувчиси.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Уловнинг энг мукаммали поезддир. Негаки у доимо хизматга шай. Ишончли бўлганидан ҳам йўловчилар ундан фойдаланишни афзал кўради. Чунки истаган манзилига белгиланган чоғда етиб боради. Аммо ҳаммаям бу транспортдан ўринли, беғараз фойдаланмайди. Баъзи ғаламислар борки, поездни ўз жирканч ниятини амалга оширишда ўнғай жой билади. Ўшанақалар ўқ-дори олиб ўтишга уринадилар, қонунга зид ҳисобланмиш гиёҳвандлик моддаларни бирон-бир бурчакка беркитиш йўлини қидирадилар. Бироқ, уларнинг қора мақсади ҳамишаям амалга ошавермайди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ички ишлар бошқармаси ходимлари ундай нопокликларни вақтида бартараф этяпти.

ЙЎЛДА ЮР, ЧЎЛДА ЮР, АММО ТЕК ЮР

КЕТОЛМАГАН МЕҲМОН

Шимолий темир йўл шоҳбекатида Тошкентга келиб-кетувчи минг-минглаб йўловчи кузатилиб, кутиб олинади. Улар асосан чет мамлакатларга қатновчилардир. Ана шундайлардан бири милиция катта сержантлари Юнусов ва Алиевда шубҳа туғдирди.

— Тула вилоятидаги Первомайск посёлкасиданман, — деди Наталья Волькова — ўзини таништираркан. — Меҳмондорчиликка келгандим. Жомадондаги нарсалар совға-салом.

«Совға-саломни» минг карра узр сураб, текширишга тўғри келди.

— Бу нима?

Милиционерларнинг эътиборини тортган тугун аёлни безовта қилди. Ранги докадек оқарди. Қарангки, 35 ёшли Наталья аёл боши билан жирканч жиноятга қўл урибди. Унинг юки орасидан 15 килою 386 грамм «марихуанна» ва 2 килою 50 грамм «опий» чиқди.

Н. Волкова олдинига ўзини гўлликка солди. Баҳоналар тўқиди. Лекин фактдан қутилармиди. Айбига иқрор бўлди. Ялиниб-ёлворишга тушди. Энди у қонун олдида жавоб бериши керак эди. Шундай бўлдиям.

ҚИСҚАЧА СУҲБАТ

Юқоридаги қунгилсизликка милиционерлар барҳам бермаганда нима бўларди? Албатта кимнингдир бойиши ҳисобига қайсидир рўзғор, қайсидир хутор чил-чил синарди. Катта фожиа рўй берарди. Демак, унинг олди олинди. Хўш, бу борада ўтган йили нималар қилинди? Транспорт ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Анвар БАДАЛБОЕВ бу ҳақда шундай дейди:

— Аввало шуни таъкидламоқчиманки: оёққа туриб олдик. Темир йўл транспортида тезкор, профилактик тадбирлар ўтиши ўзининг натижасини беряпти. Техникамиз мукамаллиги, ўргатилган итлар билан кинологларнинг яхши ишлагани, милиционерларимизнинг ўз ишига чин дилдан ёндошаётганидан ўтган йили ноқонуний равишда олиб кетилаётган ёки шундай мақсадни кўзлаганлардан 249 кило қора дори олинди.

Илгари бизларни халқ хўжалиги молларини ўғрилаш муаммолари жуда қийнарди. Жиноятчиликнинг бу кўринишига кескин зарба бердик. Айбдорларни жазоладик. Натижада молмулк ўғрилаш 34,6 фоизга камайди. Унинг очилмагани илгари 50,3 фоиз, бўлса, ўтган йили аҳвол қарийб икки баробар яхшиланди. Яъни 27,5 фоизга тушди.

ҲАРБИЙНИНГ «ПАТРОНИ»

Сариосиё қўшни республикалар билан чегарадош туманлардан. Шунинг учун ҳам унинг ҳудудидан ўтадиган транспорт синчиклаб текширишга, йўловчиларга эътиборли бўлишга тўғри келади. Айниқса, шубҳа туғдирадиган ҳаракат сезилса, беэътибор қолдирмайди. Гап худди шундай воқеалардан бири ҳақида. Юриш-туришида, ўзини тутишида ғалати ҳолат сезилган йўловчи «Сариосиё» бекатида тухтатилди.

— Мен ҳарбий офицерман. Текширишга ҳожат йўқ!

67-поезднинг йўловчиси ҳисобланмиш Таваккал Дадабоев ҳақиқатда ҳам ҳарбий. У Душанбедаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилади. Буни қарангки, унинг лаш-лушлари текширилганда бир дона РГД-5, битта Ф-1 жанговар гранаталари, иккита АКМ автоматининг ва бир дона ракета ўқи топилди.

Милиционерлар Т. Дадабоевдан нега бу қалтис ишга қўл урганини сўраганда унинг тили айланмай қолди...

ҚИСҚАЧА СУҲБАТ

Йўловчилар орасида турли тил, феъл, мазҳабдаги одамлар бор. Ҳаммавақт ҳам унинг кунглидаги, оёқ босишидаги шумғияликни англаб олиш мушкул. Аммо ўз хизмат вазифасига астойдил ёндошилса, кузланган мақсадга эришилади.

— Шунинг учунам, дейди Жиноят қидирув бошқармасининг бошлиғи, милиция подполковниги Марс ҚОСИМОВ, — барча оғир жиноятлар камайишига эришилди. Котиллик 50 фоиз озайгани ҳолда оғир тан жароҳати етказиш жиноятига барҳам берилди. Содир этилган оғир жиноятларнинг очилиши утган йилда 11,3 фоизга кўпайган...

АЁЛ СУМКАСИДАГИ ЖОДУ

«Тошкент—Москва» поезди. Йўловчиларнинг тинч-осойишта манзилига етиб олишларини зиммаларига олган кузатувчи милиционерларнинг диққати 14-вагонда кетаётган бир аёлга тушди. Онанинг бундан безовталанганини милиционерлар сездилар. Сураб-суриштирув чоғида аниқланишича меҳмон Озарбойжон Республикаси фуқароси экан. Исми шарифи Абдуллаева Матанат Рафиқ қизи. 1961 йилда туғилган. Унинг туғуни ичидан 1808 грамм опий чиқди.

— Бу жодуни у қаердан олган? Шериги ким? Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини шу савол қизиқтирарди. Алқисса бунинг ҳам охирига етилди. Шекрикчилик қилган яна бир опа-самарқандлик Ашура Шейхалиеваям қўлга олинди. Икки бека бу зормандани Москвага элтиб пуллашмоқчи эканликларини тан олишди.

ҚИСҚАЧА СУХБАТ

Ўтган йил якунларига эътибор қиларканмиз фактлар-рақамлар уйғунлигини кўрамиз. Унга асосан транспорт милиционери ходимлари кўпроқ эътиборни жиноятнинг юз бермаслигига қаратишгани сезилади. Бунда патрулпост хизмати милиционерларининг фаол иштирок этганларини айтмаса бўлмас. Фош этилган жиноятларнинг 73 фоизиниям шу милиционерлар ёки улар ёрдамида очилган.

Жамоат жойларида жиноят содир этиш улуши кескин озайди. Айниқса, маст ҳолда жиноятга қўл уриш 29 фоизга камайган.

Бу ҳақда Жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Алижон Муродовнинг фикри бундай:

— Бизнинг шундай ишларни бажараётганимиз бу қулимиздаги мавжуд куч ва воситаларни керакли равишда мувофиқлаштирганимиздадир. Хизматни ташкил этиш ва ўташни яхши йўлга қўйилганиям самара берди. Қолаверса, бор хизматнинг ягона бошга жипслаштирилгани, яъни ҳамкорлик, аҳилликда гап кўп. Доимо муваффақиятнинг замирида кўча-кундузги меҳнат ётган...

ЭСИЗ, ЭСИЗ, ЭСИЗ...

Бу воқеа ҳам «Сариосиё» темир йўл бекатида юз берди. «Душанбе—Москва» поездининг йўловчиси Александр Лапрев ёнидан РГД-5 гранатаси, 94 та 12 калибрли, 20 та 16 калибрли, 16 та 5,6 мм калибрли милтиқларнинг ўқи топилди.

Худди шу йўналишдаги поездларнинг йўловчиси — Россия Федерациясида яшовчи Жўра Мусаев ҳам қалтис ишга қўл урган. Волгограддаги Олий тергов мактабининг ҳайдовчи экспедитори, милиция сержанти бўла туриб, АКМ автоматининг 6 дона жанговар ўқини чўнтагида олиб юрибди.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Қаламга олинган бу воқеа, ҳодиса, далил-ашёлар транспорт милицияси ходимлари бир лавҳа. Улар бажараётган иш салмоғи аслида бундан-да баланд. Қолаверса, мустақил давлатлар орасида фақат Узбекистондагина поезд йўловчисининг осойишталиги кузатувчи милиционерлар томонидан таъминланади.

— Асакадаги Узавто ДЭУ маҳсулотлари мижозларга темир йўл орқали жўнатилмоқда, — дейди Анвар Бадалбоев. — Шу енгил автомобиллар, ёнилғи манзилга бекаму куст етиши учун махсус бўлинма ташкил этилди. Улар яхши ишласа халқ хўжалиги маҳсулотларини ўғрилаш мутлоқо камаяди.

Демак, манзил ва мақсад аниқ.

Қурбон ЭШМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«МОЛЛАР МУСИҚА ТИНГЛАЙДИМИ?»

(1996 йил, 19 декабрь)

Ушбу мақола Мирзачўл тумани ҳокимлиги ва Жиззах вилоят қишлоқ хўжалиги мутахассислари томонидан жойга бориб ўрганиб чиқилди. Тумандаги «Тошкент» хўжалигида 324 бош қорамол мусиқачи И. Айтбоевга сотилган. Ҳақиқатан ҳам, бир йил давомида моллар бош сони 300 тага камайиб кетган.

«Пахтазор» хўжалигида худди шундай хусусий қилиб сотиб олинган чорва фермаларидаги моллар бош сони бир йилда 490 бошдан 130 таси, «Ўзбекистон» хўжалигида эса 391 бошдан 335 таси «чиқим» қилиб юборилган. Ҳозирги кунда мазкур фермалар иши бўйича тергов олиб борилмоқда. Натижаси бўйича таҳририятга қўшимча хабар қилинади.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари С. ЭШБОЕВ.

ҚАЛБАКИ ТИЛЛА ТАҚИНЧОҚЛАР

Чехия заргарлик дўконларидан тилла тақинчоқлар сотиб олиш хавфли бўлиб қолди. Чехия Давлат назорати бошқармасининг маълум қилишича, мамлакатдаги заргарлик дўконларидан кўплаб миқдорда қалбаки «тилла» тақинчоқлар топилган. Ушбу тақинчоқлар асосан Яқин Шарқ ва Ҳиндистондан келтирилган бўлиб, уларни ясашда ранги олтинга ўхшаш металлардан фойдаланилган холос. Ҳозир мамлакатдаги барча заргарлик дўконларидаги «қимматбаҳо» молларнинг сифати ва қандай йўл билан олиб келингани текширилмоқда. Агар ушбу қаллобликка дўкон эгалари ҳам шерик бўлса, уларга турли муддат билан қамоқ жазоси берилиши мумкин.

«ЛАБОЙ ГЕРАЙ» — «ЖУДА СОЗ» ДЕМАК

Қўнгилга яқин юрт

Куни кеча Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускаснинг мамлакатимизга ташрифи бошланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Литва ўртасида дипломатия муносабатлари бундан тўрт йил илгари ўрнатилган эди. Ҳар иккала мустақил давлат раҳбарларининг ўзаро савдо-сотиқ ва бошқа жабҳалар бўйича ҳамкорлиги ҳаётда ўз аксини топяпти. 1995 йилнинг июнь ойида Президентимиз Ислом Каримовнинг Литвага давлат ташрифи бу борадаги муносабатларни янада мустаҳкамлади. Ўйлаймизки, Литва Президенти Алгирдас Бразаускаснинг бу галги сафаридан сўнг янги имкониятлар очилади. Икки давлат халқлари ўртасидаги муносабатларнинг яқинлиги мамлакатларимизнинг иқтисодиётини кўтаришга хизмат қилади.

Қўлимга қалам олишимдан яна бир мақсад шундаки, 1984-1985 йилларда Вильнюсда ҳарбий хизматда бўлганман. Шу боис Литва билан боғлиқ хотираларимни ўртоқлашсам.

Ҳар гал туманимиздаги хизматдош дўстлар билан йиғилганимизда Болтиқбўйидаги шу мамлакатнинг тарихий обидаларини, бизга, яъни Марказий Осиё халқига бўлган самимий муносабатларини эслаймиз. Айниқса, Вильнюснинг марказида жойлашган «Ёшлар боғи», у ердаги улуғвор қалъа бизни ўзига ошуфта этаверади. Қалъа тепасидан Литва пойтахтнинг бутун манзаралари бемалол кўриниб туради. Шу боғда биз шўхлик қилиб бу юрт қизларига «Кек ва лунду» (Соат неча бўлди) дея гап отардик. Шунда, улар соатига қараб вақтни айтар, ва биз билан мулоқотда бўлишдан тортинмасди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Болтиқбўйидан МДҲ мамлакатлари бўйлаб марафонга чиққан велосипедчилар Шаҳрисабзга бораётган экан. Уларни тўхтатиб қаерданликларини сўрадик. «Литваданмиз», дейишди улар. Шунда беихтиёр «Лабой герай» деб юборгандим. Жисмонан бақувват, минглаб километр йўлни велосипедда босган йигитлар: «О, Лабой герай, лабой герай» деганди, кулишиб. Улар Ўзбекистонни чекка бир қишлоғидаги йўловчининг ўз тилида гапирганини эшитиб, қувонганди. «Лабой герай» — жуда соз, дегани эканлигини уларнинг юртдошларидан ўрганган эдик-да.

Вильнюсда хизмат қилган қайси хизматдошимдан сўрамай, бу юртни соғинади. Ҳеч бўлмаса, бир бор саёҳатга боришга орзуманд. Чунки Литванинг кенг ўрмонзорларида хизматни ўтаган, бўш вақтида қўзиқорин, маймунжон терган, тунда қуёнлар, кийиклар галасига дуч келган ўсмир, уни ёқтирмаслиги мумкин эмас. Об-ҳавосининг мусаффолиги, ёзда ҳам шир этиб ёмғир ёғиши, қолаверса, шаҳарларидаги озодаликни айтмайсизми...

Аскарлик пайтимиздаёқ, ўн икки йил бурун литваликларнинг мустақилликка бўлган интилишини пайқаган эдик. Улар ўз мамлакати тарихини, уруш йилларидаги жудоликларини сўзлашдан чарчамасди. Аламли нигоҳидан истиқлолга интилиш барқ урарди. Шундан бўлса керак, МДҲ даги мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб, мустақиллик байроғини кўтарди. У мамлакатнинг ҳар бир кишиси қалбида фахр уйғотди.

Бу гал пойтахтимиз Тошкентда икки давлат раҳбарлари имзолаётган ҳужжатлар мамлакатларимиз юксак тараққиётига хизмат қилади. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро биродарлик алоқалари лабой герай — демак жуда соз бўлади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИСР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Эски аккумуляторлар қўрғошинини ажратиб олишнинг Миср технологияси атроф-муҳитни соғломлаштириш билан бирга 14 млн. жунайҳ моддий манфаат ҳам келтиради.

Мисрда ишлатиб бўлинган аккумуляторларнинг қўрғошинини ажратиб олишда қўрғошинни оксид ва чанглардан 99 фоизга тозалайдиган технология ишлаб чиқилди. Бу йилига умумий қиймати 14 млн. жунайҳ турадиган 8000 тонна қўрғошин олиш имкониятини яратади, демакдир. Янги технологияни қўллаш атроф-муҳит ифлосланишига чек қўйиши билан бирга, мамлакат пойтахтида яшаётган аҳоли қонидаги қўрғошин миқдорини кескин камайишини ҳам таъминлайди.

Металл ва минералларни тадқиқ қилиш ва уларнинг хусусиятларини такомиллаштириш илмий текшириш институти профессори, мазкур технологияни яратган илмий гуруҳ раҳбари, фан доктори Маҳмуд Раббаҳнинг таъкидлашича, бу янги технологияга кўра, эски аккумуляторлардан қўрғошин ажратиб олишдан олдин у аккумулятор таркибидаги олтингугурт ва оксидларни тўкиб юборадиган махсус моддалар билан ишланади. Натижада қўрғошин тоза ҳолга келади ва уни ажратиб олиш осонлашади. Одатда кислотали аккумуляторлар вазнининг 62 фоизини қўрғошин ташкил этади. Шу пайтгача мавжуд технология унинг 51 фоизинигина ажратиб берар эди. Янги услуб кам энергия талаб қилиши билан бирга уни қўллаш Қоҳирада яшаётган аҳолининг қон таркибидаги қўрғошин моддаси нисбатини пасайиши, кишилар нафас аъзолари ва жигарларига қўрғошиннинг зарарли таъсири кескин камайишига имкон беради.

ҚИРОЛЛАР, ҚОНУНЛАР ВА... ИНГЛИЗЛАР

Жаҳон ва биз

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида халқ хўжалигининг турли бўғинларида ишловчи ёш раҳбар ходимлар таҳсил олмоқдалар. Ўқув дастурида давлат қурилиши, иқтисод, маънавият соҳасидаги фанлар билан биргаликда чет тилларни ўрганишга ҳам кенг ўрин берилган. Бундан мақсад ёш кадрларнинг билим савиясини ошириб, янгича шароитда беками кўст ишлашлари учун тайёрлашдир. Академия фаолиятининг эътироф этадиган томонларидан яна бири — тингловчилар танланган ихтисосликлари бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасидан ўрганиш имкониятига эгадирлар.

Яқинда биз ҳам Англиянинг шимоли-ғарбида жойлашган Ланкашер графлигида бўлиб қайтдик. Маъмурий маркази Престонда жойлашган Ланкашер графлик Кенгашининг иши, ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари ва унинг ижроия маҳкамасининг иш фаолияти, қироллик суди ва қироллик прокуратура хизмати, маҳаллий полиция органларининг фаолияти, ёнғиндан сақлаш хизматининг ишларини бевосита ўргандик. Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хом ашёсининг стратегик аҳамияти ҳеч кимга сир эмас. Ўзим меҳнат қилаётган корхона марказлаштирилган пахта экспорти билан шуғулланиши боис, қолаверса ўзимизнинг бевосита қизиқишимиз туфайли бир неча юз йиллар аввал ташкил топган «Ливерпуль пахта ассоциациясида» меҳмон бўлдик. Ушбу ташкилотнинг маданий ёдгорлик сифатида беҳад тарихий аҳамиятга эга бўлган залларини томоша қилар эканман республикамиз Президенти ассоциацияга ҳадя этган, давлатимиз рамзи туширилган совғани кўриб қалбим ғурурга тўлиб кетди. Бу мамлакатда ҳозирда газета ва журналлар республикамиз ҳаёти ҳақида хабарларни кун ора чоп этаётганлигига гувоҳ бўлдим. Қатор давлат раҳбарлари билан ҳам учрашдик. Айниқса, Британия лейбористлар партияси лидерининг ўринбосари ва парламент депутати Гордон Браун, Лордлар палатасининг аъзоси, баронесса Смис ва Ланкашер графлигининг лидери Луиза Эльман хоним билан ўтган учрашувлар қизиқарли ўтди. Бу сиёсатчилар биз билан давлатимиз мустақиллигига бўлган муносабатимиз, республикамиздаги иқтисодий ўзгаришлар, Ўзбекистон раҳбариятининг минтақадаги тинчликсевар сиёсати ҳақида қизиқиб суҳбатлашдилар. Эътироф этиш керакки, улар амалий машғулотларимиз муваффақиятли ўтиши учун етарли шароит яратиб бердилар.

Сафаримизнинг асосий мақсади Буюк Британиянинг демократик ташкилотлари — маҳаллий ҳокимият идоралари тизимининг иш фаолиятини ўрганишдан иборат бўлди. Маҳаллий ҳокимият вужудга келишининг ҳуқуқий асоси 1972 йилги «Англия ва Уэльсда маҳаллий ҳукумат» тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. Қонун ҳар томонлама мукаммал ва ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра конституциявий характерга эга. Қонунга кўра, маҳаллий ҳокимият — графлик ва шаҳар Кенгаши бўлиб, унинг ижроия маҳкамаси билан биргаликда Буюк Британия маҳаллий ҳокимият органлари тизимини ташкил этади.

Биз бевосита ўрганган Ланкашер графлиги ҳудудида 1,4 миллион аҳоли истиқомат қилади, ўн битта маъмурий-ҳудудий бўлинма — шаҳар ва шаҳарчаларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири ўз Кенгаш ва ижроия маҳкамасига эгадир. Кенгашга сайловлар ҳар тўрт йилда бир маротаба бўлиб ўтади. Сайловларда ўз аъзоларининг сони ва таркибига кўра лейбористлар, консерваторлар ва либерал-демократлар иштирок этади. Графлик Кенгаши Маориф қўмитаси, Социал хизмат қўмитаси, Режалаштириш ва саноатни, туризмни ривожлантириш қўмитаси, Музейлар, кутубхоналар ва маданий ёдгорликлар қўмитаси, Катта йўллар ва транспорт қўмитаси, Ёнғиндан сақлаш ва фуқаро мудофааси қўмитаси, Тартибот ва изланишлар қўмиталаридан иборат. Ўз ўрнида ҳар бир қўмита бўлимларга бўлинади. Ҳар бир депутат қўмиталарнинг фаолиятида иштирок этади. Ҳатто графликнинг етакчиси ҳам катта лавозимда бўлишига қарамай, Маориф қўмитаси бўлимининг мажлисида оддий депутат сифатида иштирок этаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Кенгаш йилда икки маротаба чақирилади ва бир ой мобайнида ишлайди. Мажлис ишида депутатлар билан биргаликда алоҳида ажратилган жойларда хоҳлаган фуқаро ҳам иштирок этиши мумкин. Кенгаш мажлисида маҳаллий бюджет тасдиқланади ва ўтган йил учун унинг сарфи ҳақида ҳисобот тингланади. Графликни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш ҳақида қарорлар қабул қилинади. Юқорида номи тилга олинган қонун асосида Графлик Кенгаши олий орган ҳисобланиб, ялпи мажлис давомида солиқларни жорий қилиш ва уларга қўшимча, ўзгартиришлар киритиш каби муҳим молиявий юмушлар киради. Мажлис давомида ҳар бир қўмитанинг раиси ҳисобот беради ва келажакка мўлжалланган лойиҳаларни депутатлар муҳокамасига киритади. Албатта, Буюк Британия маҳаллий ҳокимият тизими ўзининг мукаммаллиги ва мумтозлиги билан ажралиб турса-да, муҳокамага тақдим этилган қонун ва қарорлар муҳокамаси даврида кўплаб қоғозбозликларга йўл қўйилади. Нафақат норматив ҳужжатларни қабул қилишда, балки ижро органларида бундай нохуш ҳолатларга ўрин берилганлигидан фуқароларнинг ўринли эътирозларига ҳам дуч келиш мумкин.

Матчонбой МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг тингловчиси.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

БМТДА ҚОҒОЗБОЗЛИК ҚИСҚАРАДИ

☑ БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўзининг биринчи матбуот конференциясида халқаро нуфузли ташкилотда ўтказилаётган ислоҳотлар тўғрисида гапирди. Америка БМТдан 1,3 миллиард доллар қарздорлиги ва бу борада БМТ ҳамда АҚШ ҳукуматидан аниқ режалар кутаётганини маълум қилди. К. Аннан: «Ислоҳотлар воқеа эмас, жараён, бу ўзгаришларни бошқариш лозим. Ўз хизматим масъулияти ва тақозосига кўра уни мен бошқараман»,— деб айтди.

Ўз бошқарувининг дастлабки олти ҳафтасида К. Аннан БМТ бошқарувидаги учта ўринни қисқартирди. Бошқарувнинг янги услубини жорий этди. Бу юқори лавозимдаги ходимларни ўз фаолиятларига таҳлилий нигоҳ билан қарашга ундамоқда. Қоғозбозликни 25 фоизга қисқартириш режалаштирилган.

Бош котиб ўзининг янги бошқарув гуруҳини ташкил этиш учун БМТнинг бугунги кадрлари, янги мутахассисларни ҳам ишга жалб этишни мўлжаллагани ҳақида гапирди. «Мен, — деди у, — бутун тизимни бир ўтиришда ислоҳ қилмоқчи эмасман. Бу масалани бошқарувга бўйсунувчи бир неча босқичларда ҳал этишимиз лозим. Биринчи босқичда мен бевосита ташкилотимизга дахлдор котибиятни, жамғармалар ва дастурларни ислоҳ қилиш ниятидаман. Иккинчи босқичда, мазкур тизим иқтисодий соҳада қандай ишлашини кўриб чиқаман».

СОХТА ДОЛЛАРЛАР

☑ Флиппин полицияси Манилада шубҳали кўринган Сингапур фуқаросини ҳибсга олди. Унинг уйи тинтув қилинганда 269 минг доллар қийматга тенг сохта пуллар топилди. Маҳаллий аёлга уйланган сингапурлик фуқаро сохта пуллар ясовчи халқаро жиноятчи гуруҳнинг вакили бўлса керак, дея гумон қилинмоқда. Топилган сохта долларларнинг бари 1996 йилда тайёрланган. Сохта пуллар ниҳоятда устамонлик билан тайёрланган ва ҳатто жуда нозик ҳимоя белгиларига эга.

НОГАҲОН ОТИЛГАН ЎҚ

☑ Швейцария пойтахти Стокгольмдаги Қирол саройида турувчи биринчи пост қоровулини алмаштиришга ўн дақиқа қолганда кутилмаганда ўқ овози янгради. Постда турган қоровул парад марши учун саф тортган ҳарбийлар қаторига қарата ўз қуролидан ўқ узган эди. Ўқ капитан ва оддий аскарни жароҳатлади. Полиция қаровулни дарҳол ҳибсга олди. Ўқ отилиши сабаби ҳозирча маълум эмас. Бу воқеа қоровулларни алмаштириш тантанали маросимини кузатиш учун тўпланган кишилар кўзи ўнгида рўй берди.

ЭНГ УЗУН ШИРИНЛИК

☑ Японияда «Шпрунгли» қандолат фабрикаси дунёда энг узун шоколад тайёрлади. Шоколадни қатор столларга қўйиб узунлигини ўлчашди. У 221 метр экан. Бу 182 метрли Швецария рекордини ҳам ортда қолдиради. Конфетни ўлчаб бўлгач, уни 500 бўлакка бўлиб, тўпланганларга бепул тарқатишди. Бундай нодир ва ноёб қандолат маҳсулоти Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритиладиган бўлди.

ИТАЛИЯЛИКЛАР ФАРЗАНД КЎРИШНИ ИСТАЙДИ

☑ «Крисчиан Сайнз Монитор» — Америка газетасининг ёзишича, дунё XXI асрга италияликларсиз кириб боради. Гап шундаки, ҳукумат мамлакатдаги иқтисодий танг аҳволни бартараф этмаса, италияликлар фарзанд кўришни тўхтатамиз, дейишмоқда. Бугунги кунда ҳар бир италиялик икки йўлдан бирини — фарзанд кўрмай тер тўкиб ишлаб ёки фарзанд кўриб, оч-қашшоқ яшаш йўлини танлаши лозим бўлиб қолди. Табиийки, италияликлар ҳам бошқалар каби қаршиликлар оз бўладиган йўлдан боришни ва фақат ўзлари учун яшашни афзал билмоқдалар. Мақола муаллифининг ёзишича, муҳожирлар бўлмаганда Италия аллақачон ҳувиллаб қоларди.

Бу фикрлар, албатта, бир ёқлама эканлигига шубҳа йўқ.

ХАЙРИХОҲЛАР ТОПИЛМАДИ

☑ НАТОнинг Шарқ сари кенгайиши ҳамон қизғин мунозаралар марказида турибди. Бу мунозаралар Америка ва Россия Президентларининг март ойида бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашуви яқинлашгани сайин тобора қизғин тус олмоқда. АҚШ расмий доиралари ҳарбий альянсининг кенгайиши Россия учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди деган фикрда турибди. Аммо Вашингтон бу фикрга Россия Президенти ва халқини ишонтира оладими? Америка республикачилар партияси халқаро институти ўтказган тадқиқот ҳулосаларига қараганда, Россияда НАТОнинг кенгайишига хайрихоҳ бўлган бирорта ҳам партия, ҳаракат ёки муайян таъсир кучига эга бўлган сиёсий гуруҳ йўқ.

ЕРНИНГ ЗАҲИРАЛАРИ ТУГАЙДИМИ?

☑ Бу саволга «Аугсбургар Тагесблатт» газетаси «йўқ» дея жавоб беради. Газетанинг ёзишича, дунё экологларининг ер табиий бойликлари тугаб қолиши ҳақидаги мулоҳазалари чуқур асосга эга эмас. Америка олимлари ўтказган тадқиқот ҳулосалари ернинг табиий бойликлари ҳали бир неча асрларга етиши ҳамда фойдали заҳиралар ўз ўрнини ўзи тўлдириб туришини маълум қилади. Бу тадқиқотларда кўрсатилишича, асосий фойдали бойликлар бутун инсоният излаётган тупроқ қаърида эмас, балки бошқа жойда — дунё океанлари тубидадир. Жаҳон олимлари дунё океанлари тубидан табиий бойликларни қазиб олишнинг энг самарали илмий услубларини ҳали тўла ишлаб чиқишгани йўқ.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, газета дунё экологларини ўз чиқишларида асосланган, илмий далилланган фикрлардан фойдаланишга чақиради.

Салим АШУРОВ.



Хотиржамлик қушлари.

КАШАНДАЛИК БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЎРИНГА ЧИҚДИ

Венгрия ашаддий кашандалик бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди. Мамлакат тиббиётчилари ва социологлари ана шундай кўнгилсиз хулосага келдилар. Венгрияда катта ёшдаги аҳолининг ҳар учтадан биттаси чекар экан. Ўсмирлар орасида ҳам аҳвол шундай. Ҳар йили тамаки чекиш оқибатида 30 минг киши ҳалок бўлаётир. Бу рақам аҳолиси 10 миллион кишидан иборат мамлакат учун ҳақиқий фожиадир. Масалан, Европада кашандалар йилига ўртача 1500 дона сигарет чекса, Венгрияда бу кўрсаткич 2500 донага етар экан.

НОҚОНУНИЙ КУН

Нима учун февраль ойи ҳар тўрт йилда бир кунга узайиши барчага маълум бўлса керак. Маълумки, Григориан тақвимига биноан сайёрамиз қуёш атрофини 365 кунда айланиб чиқади. Аслида эса бундай эмас. Ер қуёш атрофини тўла айланиб чиқиши учун яна олти соат керак бўлар экан. Бу эса ҳар тўрт йилда роппа-роса бир кун дегани. Ўтмишда одамлар 29 февралга турлича муносабат билдирганлар. Масалан, XVII асрда ушбу кун ноқонуний деб ҳисобланган. Савдогарлар шу куни савдо шартномалари тузмаган. Агар тузган бўлса ҳам ҳакамлар бу ишни кўриб чиқишдан бош тортган.

НОЁБ ГИЛАМ

ТЕЛЬ-АВИВ. *Исроиллик олимлар — Эуд Годен ва Эфраим Герати ноёб қўриқловчи-гилам ихтиро қилди. Мазкур гилам бирор муҳим бино, масалан, савдо маркази эшигига тўшалса, у дўконга бир кунда қанча одам киргани ва чиқиб кетганини айтиб беради. Шу тариқа савдо марказининг қўриқлаш хизмати кун охирида дўконга кирганларнинг ҳаммаси бинодан чиққан-чиқмаганлигини билиб олиши мумкин. Агар марказ ёпилгандан кейин у ерда бирор киши қолса, гилам буни ҳам дарҳол аниқлайди. Бундан ташқари у бинога кираётганларнинг вазни ҳақида ҳам маълумот беради.*

60 сантиметр кенгликдаги бу гилам махсус мосламалар ёрдамида қадамлар ва улар асосида одамлар сонини аниқлайди. Ахборот дастлаб махсус «қора қути»га келиб тушади, сўнг назорат пунктига узатилади. Мазкур гиламнинг дастлабки нархи бир неча минг АҚШ долларидан иборат бўлиши кутилмоқда.

«ҲАР ЁМОННИНГ БИР...»

Спиртли ичимликларнинг зараридан ташқари фойдаси ҳам бўлар экан. Ҳар ҳолда Американинг «Сиркулейшн» деб номланган кардиологлар уюшмаси аъзолари ана шундай хулосага келишди. Мазкур табиблар эълон қилган мурожаатномада шундай дейилади: «Агар кунига бир-икки пиёла спиртли ичимлик ичадиган бўлсангиз, юриш-туришингизга зиён етмайди. Аксинча, танангизда холестерин кўпайиб, қон айланиши анча енгиллашади. Қоннинг бир маромда айланиши эса, ўз-ўзидан маълумки, соғлиғингизни мустаҳкамлайди».

Мурожаат сўнггида кардиологлар ушбу «янгилик» фақат ичувчиларга тааллуқли эканини таъкидлаб, бошқаларга ичишни бошламай қўяверишни ҳам маслаҳат берган.

МАНА БУНИ КАШФИЁТ ДЕСА БЎЛАДИ

Сунъий йўлдош алоқасидан фойдаланиш аллақачон кишилар турмуш тарзининг узвий қисмига айланиб кетган. Қарийб барча ишбилармон кишиларнинг ёнида йўлдош алоқали кўчма телефонни учратиш мумкин. Бу хил қулай алоқа воситаларининг янги турлари ҳам кўпайиб бораётир. Финляндиянинг «Нокиа» концерни ишлаб чиқарган янги алоқа қурилмасини бу борада ҳақиқий кашфиёт деса бўлади. Гап шундаки, бемалол чўнтакка жойланадиган телефон аппарати айни пайтда жажжи компьютер ҳамдир. У дунёнинг исталган бурчагидан юборилган факсни қабул қилиб, жажжи экранга чиқаради. У билан интернет ва бошқа халқаро ахборот тизимларига ҳам кириш имконияти бор. Шунингдек, ундан электрон ён дафтарча, телефон архиви ва ҳисоблагич сифатида ҳам фойдаланса бўлади.

«OZTUNC»
Ўзбек — Турк қўшма корхонасининг думалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

OSMÉ-WEST
ҲУРМАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ!
Сизларнинг кўпгина таклиф ҳамда истакларингизни инобатга олган ҳолда бизнинг корхонамиз Ғарбий Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган юқори сифатли, олий навли
винолар, шампань виноси, ликёрлар, шунингдек, бренди

ва бошқа ичимликларнинг байрамолди
САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ
Тўлов усули — турлича.
Бизнинг манзил: 700027, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 45-55-65, 45-70-60.

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 20-fevral, payshanba № 22 (22.107).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ШОШМАҚОМ ҚАРИМАЙДИ

Маънавият чироқлари

Куй эшитиш, қўшиқ тинглаш яхши! Лекин бу сирли наволар ҳақида суҳбатлашиш, уларга муносиб сўз ва тимсол топиш жуда мушкул экан... Минг шукрки, санъатга жон фидо этгувчи халқмиз. Юртимизда хушовоз хонандаю созандаларни танимаган, тан олмаган, уларнинг истеъдоди қаршисида бош эгмаган зот йўқ. Тўйларимизнинг тўри — уларники, бахтли кунларимизнинг азиз меҳмонлари ҳам ўшалар... Бироқ бир ҳақиқатни тан олмоғимиз шартки, бизни тушкунлик гирдобидан юксакларга — ойу юлдузлар ёнига олиб чиқолган бу гўзал куй ва қўшиқларнинг илк ижрочиси — яратувчиси ким экан, деган фикр ҳамиша ҳам хаёлимизга келавермайди. Машҳур хонандаларнинг жонбахш концертларида ҳам уларнинг номлари камдан-кам зикр этилади. Ҳолбуки, муҳташам саройларимизда навбатма-навбат Ўзбекистон композиторлари ижодига бағишланган куй ва қўшиқ базмларини ташкил этиш мумкин. Токи бизда маълум бир бастакор ижоди билан яқинроқдан танишиш, улар тўғрисида мукаммалроқ тасаввурга эга бўлиш имкони туғилсин.

Баҳрулло Лутфуллаев номини кўп эшитганман. Унинг мен билган ва билмаган куй ва қўшиқлари беҳисоблиги аниқ. Радио хазинасида Баҳрулло ака ижро этган қўшиқлар ҳам анчагина. Лекин у кишининг ўзларини тўй-хашамларда ёки концертларда сира учратмагандим. Янглишмасам шу чоққача газета ёки журнал саҳифаларида унинг ижодига бағишланган бирон бир мақолага кўзим тушмаган. Ҳолбуки, не-не ёш хонандаларнинг хомийси бўлолган композиторнинг мусиқа оламига кириб келганидан буён ўттиз йилдан зиёд вақт ўтди. Ў яратган 200 дан ортиқ куй ва қўшиқлар ўзбек миллий мусиқаси хазинасига қўшилди, санъат шайдоларининг мулкига айланди.

— Баҳрулло ака, дастлаб ўзбек миллий мусиқаси ўз қиёфасини йўқотмаган даврлар ҳақида гаплашсак. Юртимизга ғарб мусиқасининг кириб келиши оқибатида қандай ижобий ва салбий ўзгаришлар юз берди, сизнингча?

— Ўзбек миллий мусиқаси деганда мен энг аввало ўзбек халқ мақомлари, халқ лапарлари, Бухоро шошмақоми, мақомнинг Фарғона ва Тошкент йўллари, Хоразм суворалари, бахшилар ижодиёти ва халқ куйларини тушунаман. Халқимиз уларни неча асрлар давомида жон-дили билан эшитган. Бу ноёб асарларнинг қадри йиллар ўтган сари ортиб бориши аниқ. Ғарб мусиқаларининг бизга ижобий таъсири шу бўлдики, мусиқий саводхонлигимиз ошди, йирик-йирик опера, симфониялар яратила бошлади, фарзандларимиз консерваторияларда ўқишяпти. Ёмон тарафи эса халқимиз бундай мураккаб асарларни эшитиб ҳазм қилишга тайёр бўлмаган бир пайтда — қутилмаганда «мана бу опера, мана бу балет истасанг ҳам эшит, истамасанг ҳам эшит!» қабилида киритилгани бўлди. Натижада бу жанрларга нисбатан халқ кўнглида эътироз пайдо бўлди. Ўша норозиликнинг асорати ҳанузгача сезилади. Аслида бу жанрлар — ёмон жанрлар эмас.

— Демоқчисизки, бу асарлар зўрма-зўракилик биланмас, табиий суратда кириб келганда биз ҳам уларни табиий — ўз мулкимиздек қабул қилган бўларканмиздa!

— Юз фоиз. Сабаби, ҳар бир жанр аста-секин ўсиб ўз ичидан халқ кўнглига йўл очиб боради. Даставвал бегона руҳдаги асарлар эмас, миллий руҳдаги опера, балет, симфония асарлари тақдим қилинганда эди, халқимиз уларни жон деб кутиб олган бўларди. Қолаверса, симфония ҳам, опера ҳам айнан бир миллатга тааллуқли эмас. Мусиқанинг энг юқори чўққиси симфоник оркестр ҳисобланади. Уни умумжаҳон мусиқа санъатининг жуда соғлом ва бақувват туғилган фарзанди дейиш мумкин. Ғарб мусиқаларигагина эмас, халқ мақомларига ҳам нотўғри муносабатлар бўлган-ку ахир!

— Тўғри, бир неча йиллар олдин радио ёки телевидениеда мақом эшитилгудек бўлса, «Бирор арбоб вафот этибдимикин» деган хаёлга бориш даражасига ҳам еттандикда!

— Ана қаранг, қанчалар хунук ҳолатлар бўлган, вақоланки, халқимиз мақомнинг 12 та йўли ҳар бир соатда берилиб турган даврларни ҳам кўрган.

— Жуда замонавийлашиб кетаётган ўзбек мусиқасининг — эртаси қандай бўларкин?

— Жуда яхши бўлади. Сабаби, ҳукуматимиз ва халқимиз тарафидан санъатга эътибор кучаймоқда. Мен 18 йил ўқиб устозларим Эсон Лутфуллаев, Ботир Умиджонов ва раҳматли Мирсодиқ Тожиевлардан санъат сирларини ўрганиб мусиқачи бўлдим. Лекин ҳозир ҳам шу соҳани мукаммал биламан деб айтолмайман. Чунки мусиқа шундай уммонки, уни ҳеч ким тубигача забт этолмайди. Санъаткорлар файласуфликни ёки шифокорликни биламан деб даъво қилишмайди. Лекин бизда бир ёмон одат борки, ҳамма ўзича мусиқани «тушунади». Ўз қулоғига ёққанларини яхши, қолганларини бўлмағур деб ҳисоблашади. Биз энг аввало, ўша беписандликдан, кўр-кўрона муносабат билдиришдан холос бўлишимиз керакдек, назаримда. Мана ҳозир турли-туман гуруҳлар кўпайди. Улар ўзбек миллий мусиқасини пухта эгалламаганликлари учун бошқа халқларнинг куйларига суянишмоқда. Миллий руҳ, миллий саводхонлиги кучли бўлган одам мусиқа ёзса, нима ёзса ҳам ўзбекча чиқаверади, барибир.

— Ўтган йили ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида биринчи ўриннинг эгаси чиқмади. Бунинг боиси нимайкин?

— Бу кўрик юртимизда биринчи марта ўтказилганлиги учун бироз тажрибасизликка йўл қўйилди, кўрикнинг механизми яхши ишлаб чиқилмади. Ҳаваскорлар ҳам, маҳоратли хонандалар ҳам бир қозонга тушиб қолди. Биринчи бор бўлгани учун шоир ҳам, бастакор ҳам бодроқдек кўпайиб кетди, маза-матраси йўқ матнлар ҳам кўрикка тақдим этиларди. Ҳамма нарсанинг бошланиши мушкулроқ бўлади. Менимча, бу йил ўтган йилги камчиликлар тузатилади.

— Хонандаларимизнинг кўпчилиги композитор бўлиб кетишяпти, ўзлари ёзиб ўзлари куйлашмоқда. Бу ҳол сизларни ранжитмайдими?

— Хонандаларимиз яхши қўшиқ ёзиб куйласа, фақат қувониятларини — қайси пардада қандай куйлай олишларини яхши биладилар. Буни инкор этмаслик, аксинча, тан олишимиз зарур. Бироқ бизда бутун жаҳон мусиқаси билан беллаша оладиган ўзбек композиторлик мактаби мавжудлигини ҳам унутмаслигимиз даркор. Раҳматли Ботир Зокировнинг қўшиқларини Икром Акбаров ёзган. Манас Левиев, Сулаймон Юдаковларнинг асарлари қанчалик гўзал. Хулоса шуки, қўшиқчи одам қўшиқ ёзаверсин, агар у саводли қўшиқчи бўлса янаям яхши!

— Микрафон, умуман, техниканинг пайдо бўлиши билан ўзбек миллий мусиқаси нимани йўқотдию, нимани топди?

— Баланд овозли, яхши хофизларини йўқотди. Ўзим ҳам ёшлигимда сал-пал ашула айтардим. Фаттоҳхон Мамадалиев, Эсон Лутфуллаев, Орифхон Хотамовлар билан бирга юрганман. Жўрахон Султонов, Расулқори Мамадалиевларнинг ашулаларини тўйларда эшитиш бахтига муяссар бўлганман. Ўша пайтда микрафон бўлмаган. Қўшиқ бошланса, пашша учса эшитиларди. Халқ баланд пардадаги ашулаларни жон қулоғи билан тингларди, овқат ейиш хаёлга ҳам келмасди. Микрафон пайдо бўлгандан кейин ёнимиздаги шеригимиз билан бемалол суҳбатлашиб, овқатланиб ўтираверадиган бўлиб қолинди.

— Унда хофизларнигина эмас, маданиятли тингловчиларимизни ҳам йўқотибмиз-да!

— Бу бизнинг хоҳиш ва ихтиёримиздан ташқарида юз берадиган тараққиёт. У билан курашиш ноўрин. Фақат чиройли қўшиқлар яратиб халқни маҳлиё қилиш керак, холос! Яна қанча давру даврон суришини билмадиму лекин бу ҳолат барибир бир кун келиб алмашади. Мана қанча сувлар оқиб кетди, «Шошмақом», «Шошмақом»лигича турибди, қаригани йўқ. «Муножот», «Омонёр»ларни ҳалиям эшитяпмиз маза қилиб. Бу даврлар ичида қанча машҳур асарлар яратилишга ҳам, унутилишга ҳам улгурди. Ҳозир улар ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаяпти. Лекин буюк асарлар ҳамиша буюклигича қолади. Микрафон ва техника туфайли топганимиз шу бўлдики, қўшиқларни ёзиш савияси ошди, кўповозли фонограммалар, клиплар қилиш имконияти пайдо бўлди. Стериозапислар халққа ёқади. Уларнинг сақланиш муддати ҳам узоқ.

— Мусиқа ёзиш сири...

— Мусиқа ёзиш ғалати нарса. Шеър юз фоиз ёд олинади. Бир-иккита сатри ҳиргойи қилиб юрилади. Шеър ёқиб қолса мусиқа бир нафасда пайдо бўладиган жараён. Йирик асарлар яратиш учун ойлаб хаёл сурилади, ўша асарнинг схемаси, драматургияси қанақа бўлади. Ҳаммаси тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлганингиздан сўнггина асар тўқилади.

— Баҳрулло ака, бир нарсага ҳунчалик тушунмайман. Нега хонандаларимиз қўшиқ ёзишадию, композиторларимиз куйлашмайди? Ўзингиз ҳам кейинги йилларда куйламай қўйдингиз, бунинг сабаби...

— Тўғри, бадиий мусиқий эшиттиришлар таҳририятига бош муҳаррир бўлганимдан буён куйламаяпман. Лекин бу бутунлай куйламоқчимасман дегани эмас. Яна янги қўшиқлар ёздириш ниятларим ҳам йўқ эмас. Биласизми, Замирахон, аслида ҳамма композиторларнинг ҳаж дурустгина овозлари бўлади, улар яхшигина куйлаши мумкин. Бу ерда кўп нарса ўятчанликка бориб тақалади. Мана яқинда Дилором Омонуллаёва бир нечта чиройли қўшиқлар айтди. Худо хоҳласа, сиз айтгандай, машҳур композитор қўшиқчиларимиз ҳам чиқиб қолади.

— Композиторларимизни ташвишлантираётган муаммолар нималардан иборат, сизнингча?

— Биз учун энг катта муаммо — болалар. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси йўлга қўйилмаган. Мусиқа ўқитувчилари йўқ ҳисоби. Шу кунларда ҳам айрим туман ва қишлоқларда бошқа фан мутахассислари мусиқадан сабоқ беришяпти мактабларимизда. Ҳолбуки, биз мусиқа тарбиясини боғчадан бошлашимиз керак эди аллақачон. Мактаблар учун мусиқа ўқитувчиси тайёрлайдиган бирор институт йўқ шу чоққача. Консерватория ўз вазифасини бажариши керак. Низомий номидаги институт эса ҳар йили бор-йўғи 25 нафар одам қабул қилади. Бу Ўзбекистондек катта давлат учун нима бўлади! Дарсликлар, дастурлар ва ўқитиш жараёнларни бир бошдан кўриб чиқиб тезроқ мусиқа тарбиясини йўлга қўйишимиз керак, деб ўйлайман. Аслида ҳар биримиз жилла қурса, бириккита доира усулларини билишимиз керак. Яхши хонандани, яхши созандани билмаймиз, мақталаётганини зўр деб ўйлайверамиз. Мусиқадан яхши сабоқ олган бола мулоҳазали бўлади, тўполон қилмайди. Мусиқани тушунган, севган кишининг муомаласи чиройли бўлади.

— Ватан ҳақида буюртма билан қўшиқ ёки шеър ёзишни қандай тушунасиз?

— Ватан — муқаддас манзил, муқаддас туйғу. Шунинг учун у ҳақда шошма-шошарлик билан асар яратиш мутлақо мумкин эмас. Ватан тўғрисидаги қўшиқ шундай бўлиши керакки, унинг кейинги қисмларида халқ беихтиёр сиз билан бирга куйлаб юборсин. Бир нарса аниқки, Ватанни ҳақиқий севмай, қадрламай туриб ёзилган қўшиқларнинг умри ниҳоятда қисқа бўлади.

* * *

Суҳбатимиз бошида мен сирли наволарга тимсол топиш, улар ҳақида суҳбатлашиш мушкуллигини таъкидлагандим. Лекин бундай суҳбатлардан сўнг енгил тортаркан, киши. Дунё ёруғ куй ва қўшиқлар оғушида мавжланаётгандек кўринаркан одамга....

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ОҚ БАЙРОҚ ОСТИДА

Яна бир йилдан кейин Японияннинг Нагано шаҳрида туташ беш халқа рамзи туширилган оқ байроқ остида Олимпиада ўйинлари бошланади. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиада қўмитасига 18-марта ўтказиладиган ана шу йирик спорт анжуманида иштирок этиш учун таклифнома келди. Маълумки, кейинги йилларда спортчиларимиз халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. 7-22 февраль кунлари спортнинг қишки турлари бўйича ўтказиладиган қизғин баҳсларга бугундан бошлаб ҳозирланишга тўғри келади. Эсингизда бўлсак. Лиллехаммер шаҳрида ўтказилган олимпиада ўйинларида Ўзбекистон вакиллари илк марта қатнашган эдилар. Ушанда Лина Черязова чанғида акробатик машқларни ўрнига қўйиб бажариш бўйича олтин медаль соҳиби бўлганди. Вакилларимизга навбатдаги олимпиадада ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

БЕШИНЧИ ЎРИН—ИШЛАР БЕШ ДЕГАНИ ЭМАС

«Санкт-Петербург кубоги» учун ўтказилган анъанавий халқаро турнирда Белоруссия, Германия, Молдова, Россия, Туркманистон, Ўзбекистон, Украина ва Эстониядан жами 32 жамоа иштирок этди. Болалар ва ўсмирлар футбол жамоалари ўртасида ташкил этилган бу баҳс кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Мусобақада бу сафар Тошкентдаги республика олий футбол маҳорати мактаби талабалари мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилишди. Улар Волгограднинг «Олимп» (1:2), Санкт-Петербургнинг «Смена (0:2), « Орехово - Зуево » (3:1), Минскнинг «Смена» пенальтида (6:5) жамоалари билан ўйнаб, бешинчи ўринни эгаллашди. Ғалаба эса «Олимп» футболчиларига насиб этди.

Спорт

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Салим АШУРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Виктор ЗВЕРЕВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи М.ҚУРБОННИЁЗОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 32 335 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 072

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Китоблар растаси

ГУЛЛАР НАФАСИГА ОШИҚ ҚАЛБ

Дилбар БОНУ

ГУЛЛАР НАФАСИ

Наманганнинг «гуллар шаҳри» деб ном олиши бежиз эмас. Чунки, у гулдай гўзал қалбли инсонлар шаҳри. Наманганда туғилиб, шу гул шаҳарда яшаб шеърни севмаслик, шеър ёзмаслик мумкинми ўзи?

Наманганнинг гуллари кўп, гулзорлари кўп,
Тонгда сизни уйғотади булбуллар саси.
Бошингизни айлантирар ўтишса тўп-тўп,
Наманганнинг қизларида гуллар нафаси.

Ушбу сатрлар — наманганлик шоира Дилбар Бонунинг «Гуллар нафаси» деб номланган янги тўпламидан. Тўпламга Дилбар Бонунинг ҳаётдан, табиатдан, гуллардан завқланганда ўқиб юборган сатрлари жо бўлган. Шунинг учун ҳам мазкур тўпламдаги шеърлардан ҳаёт завқи, табиат тасвирлари, гуллар ифори уфуриб туради. Енгил ўқилади.

Аввало, Дилбар Бонунинг ўзлари ҳақида икки оғиз. Дилбар Бону (Ҳайдарова) Наманган шаҳрида таваллуд топган. Шу шаҳарда Педагогика институтини, сўнг Москвадаги жаҳон адабиёти институтини тугатган. Шоиранинг шу кунгача «Норин мавжлари» «Ишқ сўқмоғи», «Кўклам қизи» каби шеърий тўпламлари чоп этилган. Мамлакат Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Айни кунда «Наманганфильм» студиясида раҳбар. Дилбар Бону илк шеърлари биланоқ яхши шоира эканлигини исботлаган, мухлислар орттирган эди. Унинг янги шеърлари билан танишиб чиқар экансиз, аввалги тўпламларига нисбатан, ушбу тўпламдаги шеърлари пишиқ-пухта ва сермазмун эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Шоиранинг «Қозоқ бовурларга», «Хоразмга мактублар», «Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳида», Ватан, Она, инсонийлик ва муҳаббат мавзуидаги шеърий сатрлари ҳам Дилбар Бону илҳомининг шиддатлилигини, туйғуларининг меҳрлилигини кўрсатиб турибди.

Қисқа қилиб айтганда, «Гуллар нафаси» тўплами шоиранинг янги изланишларидан дарак бериб турган мажмуа. У — Дилбар Бону шеърлари мухлисларига яхши совғадир.

Ш. МАШАРИПОВА.

Олтиариқ туман маданият бўлими жамоаси Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Маъмуржон Тўхтасиновга онаси **НАСИБАХОН** аянинг вафоти муносабати билан, чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти «Тошкент» ҳиссадорлик жамиятининг Тошкент туманидаги нон корхонаси раҳбарияти шу корхона директори **Холпошша АЗИМОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Kunnoma

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

MALIKCHO`LGA DAMXO`JA SUVI

NAVOIY. Alisher Navoiy nomli jamoa xo`jaligi asosan Malikcho`l hududida joylashgan. Cho`ldagi bu xo`jalik markazini esa Gulshan deb atashadi. Boisi, bu qo`rg`onchaga allaqachon tabbiy gaz keltirilgan. 145 oilaga madaniy-maishiy xizamat ko`rsatilmoqda. Yaqinda bu qo`rg`onchaga Damxo`ja-Buxoro quvurli suv yo`lidan toza obi hayot keltirish muammosi ham hal etildi.

Muzaffar SHAROPOV.

O`ZBEK ATLASI

QISHLOQDA TIBBIYOT MASKANI

ANDIJON. Bo`z tumanidagi "Yangi hayot" qishloq ahli uchun yana bir qulaylik yaratildi. Bu erda vrachlik ambulatoriyasi foydalanishga topshirildi. Zamonaviy tibbiyot maskanida malakali mutaxassislar hamqishloqlar salomatligini ko`rikdan o`tkazmoqdalar.

Ahmadillo SOLIYEV.

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

25-26 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг ўрмон, қоғоз ва кимё саноати маҳсулотлари бўйича махсус кўргазмаси бўлиб ўтади.



Кўргазма ташкилотчилари: "Ўзёғоқоғозсавдо" акционерлик жамияти, "Ўзулгуржиржасавдо" ассоциациясига қарашли "Ўзкимёполимерсавдо".

Телефонлар: 41-37-54, 41-11-51, 41-18-21, 41-22-54.

Манзил: Тошкент. Навоий кўчаси, 7-уй.
Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг кўргазмалар павильони.

Барчангизни улгуржи-савдо кўргазмасига таклиф этамиз

МЕЖРЕГИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР "АЗИЯ-ВОЛГА"

УАЗ

РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ ЗАПАСНЫЕ ЧАСТИ К АВТОМОБИЛЯМ УАЗ В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ ПО БЕЗНАЛИЧНОМУ РАСЧЁТУ.

1. Блок управления
2. Вал карданный задний
3. Вал карданный передний
4. Вал коленчатый
5. Вал распределитель
6. Вкладыши стандартные
7. Вкладыши 05
8. Вкладыши 005
9. Головка блока
10. Гильза, поршень, кольца
11. Главный тормозной цилиндр
12. Главный цилиндр сцепления
13. Диск ведомый
14. Диск сцепления с кожухом
15. КПП, 452
16. КПП 469
17. Крестовина
18. Маховик в сборе
19. Мост редукторный передний
20. Насос масляный
21. Рулевое управления
22. Двигатель
23. Раздаточная коробка
24. Рабочий цилиндр сцепления
25. Прокладка головки блока
26. Стартер. И др. запасные части.



Со дня публикации объявления в течении 15 дней скидка на запасные части на 10%.
г. Ташкент ул. Навои 16-а. Ком. 221. Тел/факс: (3712) 41-52-41, 41-58-51.